

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ
ХОДИМЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7878335>

Солиева Мохинур Мухтор қизи
ИИВ Академияси З-босқич курсанты

Аннотация: Ушбу маколада Ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этилишини таъминлаш, Бу борада, профилактика (катта) инспекторларидан ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бериш хакида сўз боради.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарликлар, фаолият, профилактика, шарт-шароитлар, бартараф этиши.

Ўзбекистон Республикаси ўз миллий мустақиллигини қўлга киритганидан сўнгги ўтган йиллар давомида демократик ислоҳотлар ва янгиланишни амалга оширап экан, ўзининг олий мақсади – фуқаролар учун ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб турмуш шароитини таъминлаш, аҳоли моддий фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқ ва эркинликларни янада кенгайтириш соҳасида улкан миқёсдаги ишларни амалга ошириб келмоқда.

Республикадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг аҳволи ўрганилганида, аҳоли, давлат органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, ҳаттоқи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолиятни фақат ички ишлар органлари, хусусан, унинг таркибидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари томонидан амалга ошириши лозимлигига доир бир ёқлама тасаввурнинг мавжудлиги, ҳуқуқбузарликларнинг умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси турларига доир профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг, шунингдек маъмурий ва жиноий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлилини олиб бориш ҳамда бартараф этишда бир қатор муаммолар мавжудлиги яққол кўзга ташланди.

Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш фаолиятида(жумладан ветеринариясанитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар) бошқа давлат органлари билан ҳамкорлиги қуйидаги модел қоидаларига асосланиши лозим.

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH

VOLUME-6, ISSUE-4 (30-APRIL)

Ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этилишини таъминлаш амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилиги»га бағишлиган XVIII бобда кўрсатиб ўтилган ветеринариясанитария соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга субъектлар томонидан амалга оширилиши лозим.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ички ишлар органларига

тааллуқлилиги белгиланган 248-моддасининг 2-қисм 4-бандида назарда санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланилиши ҳамда бартараф этиш чоралари кўрилиши лозим.

Масалага криминологик нуқтайи назардан ёндашилса, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши шахсада шаклланган маънавий-руҳий ҳолат (ғайриижтимоий хулқ-атвор)нинг ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги муайян ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқага киришиши натижасида юзага келиши маълум бўлади. Бунда шахс онгода мавжуд бўлган ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки жамиятга зид қарашлар ҳуқуқбузарликнинг сабаби сифатида гавдаланса, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги муайян ижтимоий муҳит ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига имконият яратган шарт-шароит тариқасида ифодаланади.

Профилактика (катта) инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг, шу жумладан, ветеринария-санитария соҳасидаги ишларни кўриб чиқиш жараёнида ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш деярли эътибор қаратилмайди.

Ваҳоланки, ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаб-шароитлари ўрганиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилиши керак:

- 1) аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари бошқа ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқаришини олдини олиш;
- 2) муайян ҳуқуқбузарликнинг аниқланган сабаб ва шароитларига ўхшаш омилларнинг бошқаларда ёки бошқа жойларда ҳам мавжудлигини аниқлаш, борди-ю аниқланса, унда уларни ҳуқуқбузарликлар содир этилмасидан илгари бартараф этиш чораларини кўриш;
- 3) ҳуқуқбузарларни ахлоқан тузатиш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштирилишини таъминлаш;
- 4) агарда ҳуқуқбузарлик содир этилишида айбли виктимлик, яъни жабрланувчининг салбий хулқ-атвори ва харакатлари билан боғлиқ ҳолат мавжуд бўлса, унда жабрланувчига тарбиявий таъсир чораларини қўллаш кабилар.

Бу борада, профилактика (катта) инспекторларидан ветеринария-санитария соҳасидагиҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берайтган шарт-шароитларни аниқлашда қуидагиларга эътибор қаратиш талаб этилади:

биринчиси, ҳуқуқбузарнинг шахси (ижтимоий-демографик, маънавий-

руҳий ва жиноий-ҳуқуқий ва биофизиологик белгилари)га; иккинчиси, ҳуқуқбузарнинг тарбияси, оиласидаги мухит, эҳтиёжи,

манфаатлари, мотиви, мақсади, ҳаётда танлаган йўли; учинчиси, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт, жой, шароит, содир этилиш

усули, воситаси; *тўртинчиси, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойда ҳуқуқбузарликни*

олдини олиш лозим бўлган субъектларнинг фаолияти; *бешинчиси, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг шахси (ижтимоий-*

демографик, маънавий-руҳий ва жиноий-ҳуқуқий ва биофизиологик белгиси), айбли ёки айбизиз виктимлик ҳолати; олтинчиси, ҳуқуқбузар ва жабрланувчи ўртасидаги алоқалар (яқин қариндош, қариндош, қуда-анд, қўшни, маҳалладош, ҳамкасб, синфдош, курсдош, таниш, нотаниш кабилар) ва муносабат (зиддиятли, адоватлашган кабилар);

еттинчиси, ота-онасининг илгари ҳуқуқбузарлик содир этган-этмаганлиги, содир этган бўлса, қайси турдаги ҳуқуқбузарликни содир этганлиги кабиларга.

Маъмурий жазо чораларини енгиллаштирувчи ҳолатлар:

- ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг чин кўнгилдан пушаймонлиги;

- ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан қилмишни содир этишдан ихтиёрий равища қайтиш;

- ветеринария-санитария соҳасидагиҳуқуқбузарликнисодир этган шахс томонидан қилмиш содир этилганидан сўнг тегишли давлат органига ихтиёрий равища хабар қилиш;

- ветеринария-санитария соҳасидагиҳуқуқбузарликнисодир этган шахс томонидан қилмиш содир этилганидан сўнг тегишли давлат органига ҳолатни аниқлаш бўйича ихтиёрий равища ёрдам кўрсатиш;

- ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликни содир этган шахс томонидан ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг заарли оқибатларини олдини олиш;

- ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс томонидан етказилган заарни қопланиши;

- ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаганлар томонидан содир этилиши;

- ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг ҳомиладор ёки кичик ёшдаги фарзанди бўлган аёллар томонидан содир этилиши.

Маъмурий жазо чораларини оғирлаштирувчи ҳолатлар:

- ваколатли шахс томонидан хатти-ҳаракатни тўхтатиш тўғрисидаги талабга қарамай, ноқонуний хатти-ҳаракатни давом эттириши;
- ҳуқуқбузарликни бир нечта шахс томонидан содир этилиши;
- табиий оғат шароитида ёки бошқа фавқулодда вазиятларда ветеринариясанитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликни содир этилиши;
- ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маст ҳолатда бўлганлиги.

Ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиша ваколатли субъектларга судъялар (ҳалқаро судъялар), вояга етмаганлар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар, ижроия ҳокимиётнинг федераль органлари, жазони ижро этиш тизими органлари, давлат назорати функциясини амалга оширувчи органлар, маъмурий комиссиялар ва бошқа бир қатор субъектлар шулар жумласидандир³⁴. Ушбу субъектлар ветеринария-санитария соҳасидагиларни кўриб чиқиша ўзаро ҳамкорилк қиласидилар, шунингдек бошқа давлат органлари ва кенг жамоатчилик имкониятидан фойдаланадилар. Зоро, мамлакат конституциясининг 72моддасига мувофик конунийлик ҳуқуқ-тартибот жамоат хавфсизлигини таъминлаш шунингдек жиноятларни олдини олиш Россия Федерацияси ва унинг давлат органи субъектларининг биргаликдаги бошқарувида амалга оширилади³⁵.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур жараёнда турли давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг фаол иштироки кузатилади. Шунингдек, қўнгиллилар бирлашмаларининг фаолияти бу борадаги қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг бартараф этишга замин яратади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу мақолада келтирилган таклиф ва мулоҳазалар келгусида Республикамиз тараққиёти ва ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришда ўз ҳиссасини қўшади деган умиддамиз.

Хуллас, профилактика инспекторининг ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузврликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шартшароитларни бартараф этиш фаолияти мураккаб, аммо энг муҳим фаолият йўналиши ҳисобланади. Бу борада, ветеринария-санитария соҳасидагиларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритишнинг роли катта.

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда профилактика инспекторининг ветеринария-санитария соҳасидагилар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқища бошқа давлат органлари билан ҳамкорлигини

³⁴ Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях. (2001.) //http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34661/

³⁵ Конституция Российской Федерации. (1993.) //http://www.constitution.ru/

такомиллаштириш борасида қуйидаги таклиф ва тавсияларни учта гурухга бўлиш мумкин.

I. Профилактика инспекторининг ветеринария-санитария соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни қўриб чиқиш жараёнида бошқа давлат органлари билан ҳамкорлигига доир илмий-назарий билимларни бойитишга қаратилган холосалар:

1.1. Профилактика инспекторининг ветеринария-санитария соҳасидаги ишларни қўриб чиқиш фаолиятининг аҳамияти аниқлаштирилди:

маъмурий худудда ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминланишига хизмат қиласди;

давлат, жамият ва инсон фаровонлиги таъминлайди;

давлат ва жамоат тартибини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкчиликни, табиий муҳитни турли ғайриҳуқуқий тажовузлардан химоя қиласди;

ветеринария-санитария соҳасидагилар ишларнинг ўз вақтида ва объектив қўриб чиқилишини таъминалайди;

садир этилган ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жазонинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қиласди;

ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг барвақт олдини олишни назарда тутади;

фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялади.

1.2. Профилактика инспекторларининг ветеринария-санитария соҳасидаги ишларни юритиш фаолиятининг асосий вазифалари:

—ветеринария-санитария соҳасидаги ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқиш;

—ветеринария-санитария соҳасидаги ишларни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этиш;

—ветеринария-санитария соҳасидаги чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлаш;

—ветеринария-санитария соҳасидаги содир этиш сабабларини ва шартшароитларини аниқлаш;

—ветеринария-санитария соҳасидагихуқуқбузарликларни олдини олиш;

—фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш;

—ветеринария-санитария соҳасидаги ишларни кўриб чиқишида қонун устунлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш.

1.3. Профилактика инспекторининг ветеринария-санитария соҳасидаги ишларни юритиш фаолияти 2 бу, профилактика инспекторининг қонунда белгиланган махсус ваколати доирасида маъмурий худудда содир этилган ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)да ветеринария-санитария

соҳасидаги аломатлари бор-йўқлигини аниқлаш, ҳуқуқбузар шахснинг айборлигини исботлаш учун далиллар тўплаш, ветеринария-санитария соҳасидагининг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш, шунингдек ҳуқуқбузар шахснинг қилмишига яраша жазонинг муқаррарлигини таъминлашга қаратилган маъмурий процессуал жараёнидир».

1.4. Профилактика инспекторларининг ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ишларни кўриб чиқиш фаолиятини қуидаги бешинчи босқичда амалга ошириш тавсия этилади:

Бешинчи босқич; бу ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш босқичи бўлиб, ушбу босқичда профилактика инспекторлари маъмурий ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишишга кўмаклашувчи ҳамда улардан жабрланишни тақазо этувчисабаб ва шароитларнианиқлаб маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 313-моддаси талабларига мувофиқ, корхона, муассаса, ташкилотлар раҳбарларига,

шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тақдимнома киритади.

II. Профилактика инспекторининг ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш жараёнида бошқа давлат органлари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларидаги муаммолар ва таклифтавсиялар:

Муаммолар:

1) Бугунги кунда Ветеринария-санитария ҳолатига жавоб берувчи хизмат ташкил этилмаган.

2) Уй ҳайвонларинининг парваришида ветеринария-санитария ҳолати деярли инобатга олинмайди.

3) Маъмурий ҳудудлардаги умумумий овқатланиш жойлари ва савдо дўконларида шунингдек бошқа жойларда ветеринария-санитария хизмати ходимлари билан доимий равишда хамкорликда профилактик тадбирлар ўтказилмаслиги.

4) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 21-моддасида келтирилган “огоҳлантириш” қандай таъсир чораси эканлиги аниқ кўрсатилмаган.

Таклифлар:

1) Жойларда ветеринария-санитария ҳолатига жавоб берувчи хизматни ташкил этиш.

2) Маъмурий ҳудудларда санитария-ветеринария қоидалари ва нормаларига жавобгар хисобланган ташкилот ва муассасалар ваколатларини кенгайтириш.

3) Ветеринария-санитария, давлат солиқ хизмати ва бошқа ташкилотлар билан ветеринария-санитария холати қониқарсиз бўлган ҳудудларда профилактик чора тадбирлар рэйдлар ташкил этиш.

4) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 282-моддасига ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга жаримани қўллаш тўғрисидаги баённомани электрон тарзда расмийлаштириш тартиби бўйича қўшимча киритиш.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг “Маъмурий жазонинг турлари” деб номланган 23-моддаси биринчи қисмининг биринчи банди сифатида “Огоҳлантириш”ни жазо чораси сифатида киритиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу битирув малакавий ишида келтирилган таклиф ва мулохазалар келгусида Республикализ тараққиёти ва ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришда ўз ҳиссасини қўшади деган умиддамиз.

III. Профилактика инспекторининг ушбу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш жараёнида бошқа давлат органлари билан ҳамкорлиги амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар:

—Швейцария, Германия, Хитой ва Жанубий Корея давлатлари тажрибалари асосида ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни аниқлайди ва уни кўриб чиқиб қонуний ҳал этишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган махсус хоналарни ташкил этиш ва амалиётга жорий этиш тавсия этилади. Махсус хоналарда процессуал ҳаракатларни масофадан туриб **видеоконференцалоқа** тизими орқали амалга ошириш имкони яратилган бўлиб, унда далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва холислик таъминланади. Асосийси, бу маъмурий процесси иштирокчиларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазийк ҳамда бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд қадр-қимматни камситувчи муомала қилиш каби ноқонуний усулларни қўллашнинг олдини олишга хизмат қиласи.

—профилактика инспекторининг ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ишларни кўриб чиқиш фаолиятини тартибга соловчи ИИВ даржасидаги норматив-ҳуқуқий хужжатни қабул қилиш зарурияти мавжуд.

—мазкур норматив хужжатда ички ишлар органларининг ветеринариясанитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ваколатли бўлган мансабдор шахсларининг мустақил қарор қабул қилиш билан бир қаторда жазони ижрога қаратиш бўйича ҳам ваколатларини белгилаш зарур. Бундан ташқари мазкур йўриқномада профилактика инспекторининг ветеринария-санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ишларни кўриб чиқиш бўйича аниқ вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ушбу фаолиятни ташкил этиш тартиби ва асослари белгиланган бўлиши лозим.

Хуқуқбузарликлар профилактикасини самарадорлиги фуқароларнинг хуқува эркинликларини ҳимоя қилишда алоҳида ўринни эгаллайди. Шу боисдан, профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш, жамиятда бу каби шахсларнинг имкон қадар камайтириш, уларни тўғри йўлга бошлаш билан ҳам самарадорлик таъминланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ:

1.Б.А. Матлюбов, Ў.Х. Мухамедов, А.С.Турсунов, З.А.Амиров, Б.Ф.Алимов. Маъсул муҳаррир Б.А. Матлюбов. Ички ишлар органларининг профилактик фаолиятини бошқариш://Дарслик., Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 295 б.

2.А.С. Турсунов, И. Исмаилов, И.Ю. Фозилов, Б.Ф. Алимов, З.А. Амиров, С.Б. Хўжақулов, Қ.А. Сайтқулов, Ш.Р. Ғофуров. Ички ишлар органлари профилактик фаолияти://Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти мутахссислиги учун: Маърузалар курси.– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018.– 489 б.

3.А.С. Турсунов; доктор юридических наук И.Ю. Фазилов; доктор философии по юридическим наукам Ф.А. Примов; Ш.Р.Гафуров. Сборник законов государств-членов Содружества Независимых Государств о профилактике безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2018. – 167 с.

4.Ў.Х.Мухамедов, А.С. Турсунов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунига илмий-амалий шарҳ // Б.А. Матлюбовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. –133 б.

5.А.С. Турсунов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига илмий-амалий шарҳ: Қонунга илмий-амалий шарҳ / Муаллифлар жамоаси. Маъсул муҳаррир Б.А. Матлюбов. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. Б. 158.

6.Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши қуаш соҳасидаги ислоҳотлар: муаммо ва ечимлар: Республика илмий-амалий Конференцияси материаллари (2018 йил 17 апрель). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 316 б.

7.А.С. Турсунов, Б.Ф. Алимов, Д.Д. Бобоев, С.Б. Хўжақулов, Қ.А. Сайтқулов. Профилактика инспекторларининг ветеринария-санитария соҳасидагилар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятин./Маърузалар курси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. –125 б.